

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

495 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-10

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ–391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолият

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

тини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 5 сентябрь,
24/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил
5 сентябрдаги 24/10-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 49-банднинг 1-кичик бандидаги «(агар муассис якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлса)» деган сўзлар «(муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-иловада:

1-шаклдаги «Ипотека ссудалари» ва «Тижорат ссудалари» деган сўзлар тегишинча «Ипотека кредитлари» ва «Тижорат кредитлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-шаклдаги «Ссудалар бўйича фоизлар» деган сўзлар «Кредитлар бўйича фоизлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.